

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

№4/2023





МУНДАРИЖА

42



10

102



90



48



4. МЕН МАЪНАВИЯТЧИ БЎЛСАМ

«Тушунмайдиган одам йўқ,
тушунтира олмайдиган
раҳбарлар бор»

10. ТАРИХ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Хожа Аҳрор Валий айбдорми?
Ёхуд канадалик олим
нега чалкашган?

14. УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Маънавият бозорга чиқарилмайди

24. ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГА

Қалтис саволларга
нозик жавоблар

28. ТИЛГА ЭЪТИБОР

Хўрознинг думи борми?

34. ТУРКИЙЛАР

Қондошим — қариндошим

42. ЎТГАНЛАР ЁДИ

Тоғ ҳайқириғи

ҚОНДОШИМ — ҚАРИНДОШИМ

Кавказдаги Элбрус тоғининг баланд чўққилари орасида Жилисув деган бир маскан бор. Бу ерда Султонсув, Қорақоясув, Қизилкўлсув, Амирсув деб ном олган бир нечта минералга бой иссиқ булоқ бор. Суви шифобахш. Ҳавоси тоза. Табиати гўзал. Яйловлари кенг. Қўй-қўзилар ўтлаб юрганида кўрсангиз кўзингиз завқ олади.

Шу набототу ҳайвоноти ажойиб бўлган гўзал табиатнинг қўйнида турмуши чорва билан боғланган, қалби пок бир эл яшайди. Булар – балқарлар.

Анвар БЎРОНОВ,
филология
фанлари бўйича
фалсафа доктори



Қорақоя сув
шаршараси.
Қабардин-
балқар респуб-
ликасидаги
Басхон дараси.

Балқарлар ҳақидаги ҳикояни нега тоғ тасвири билан бошлади деманг. Бунинг сабаби бор. Чунки бу эл ўзини *тавлилар* (тоғликлар) деб атаб келган¹. Балқар номи эса уларга қадимги туркий эл балғар(булғор)лардан мерос қолган.

Балқарлар камсонли туркий эллардан бири. Уларнинг нуфуси 150 000 га яқин холос. Элнинг асосий қисми Қабардин-Балқар Республикасида яшайди. Шунингдек, Қорачой-Черкас Республикаси, Ставрополда, умуман, собиқ шўролар мамлакатининг барча ҳудудларида балқарлар бор. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам 900 дан зиёд балқар яшаши қайд этилган².

Балқарлар балқар тилида сўзлашади. Балқар тили туркий тилнинг қипчоқ лаҳжасига мансуб. Шу сабаб уларни ҳамма балқар атаса-да, ўзлари ўзларини малқар дейди.

Балқарларнинг келбати кўпроқ кавказ халқлариникига ўхшайди. Аммо синчиклаб қарасангиз, қипчоқ қиёфалилари ҳам кўп. Айниқса, Жилисув атрофидаги балқарлар кўпроқ ўзбекларга ўхшаб кетади. Улар қиёфасининг ўзгариши асосан шу ерда яшовчи халқлар билан қудда-андачилиги сабаб юзага келган ассимиляция билан боғлиқ. Инчунин, бугунги балқарларнинг этник шаклланишида булғор, хазар, қипчоқ, туркий тилда сўзлашувчи алан халқларининг таъсири катта бўлган.

Балқарлар ислом динининг суннийлик оқими, ҳанафий мазҳабига эътиқод қилади. Шунингдек, балқарларнинг диний тафаккурида тангричилик динининг унсурлари ҳам кўзга ташланади. Мисол учун етти, қирқ, йил маросимлари, ис чиқариш, аждодларнинг руҳи учун жонлиқ сўйишлар учраб туради. Жилисув атрофида яшайдиган чўпонларда муқаддаслаштирилган дарахтлар, тошларга сифиниш, маълум бир яйлов ёки даранинг эгаси (руҳ)га атаб жонлиқ сўйиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Балқарлар тарихида тошсанам — балбалтошлар яшаш ва уларга ҳурмат кўрсатиш ҳам бўлган ва бу тошлар ҳозиргача сақланиб қолган. Бошқа тоғ халқлари каби балқарлар ҳам тошга ишлов бериш анъанасини яхши билган.

Балқарларнинг исломни қабул қилиши VIII асрдан бошланган бўлса-да, бу жараён XVII асрга қадар

¹ Волкова Н. Г., «Этнонимы и племенные названия Северного Кавказа», 1973. «Наука» (Главная редакция восточной литературы, г. Москва), стр. 87.

² Country: Uzbekistan. Joshua Project. Дата обращения: 22.01.2016. Архивировано 5 апреля 2019 года.

давом этган. Маълумки, VIII асргача Шимолий Кавказ хуудди Хазар хоқонлиги таркибига кирган. Хазарлар эса яҳудийлик динида эди. Шунинг учун балқарларда ҳам айрим гебраизмлар³ сақланган. Масалан, шанба кун *шабат* деб аталади. Улар шабатни арабча *сабт* шаклида қўлламаслиги, шунингдек, шанба кунини алоҳида кун сифатида ифодаловчи афоризмлар сақлангани ҳам буни тасдиқлайди: *шабат кунда жангур тохтамаса қияматда-да тохтамаз* (шанба кун *ёмғир* тўхтамаса қиёматда ҳам тўхтамас).

Балқарларнинг нақшу нигорларида ҳам Кавказ, ҳам туркий безакларни кўриш мумкин. Аммо улар орасида туркий, аниқроғи қипчоқ элларига хос нақшлар кўпроқ. Мисол учун балқарлар кигизни худди ўзбек қипчоқлари каби *кийиз* деб аташади. Кигиз уларнинг турмуш тарзида муҳим ўрин тутди. Улар ерга тўшаладиган (*жайма*), сандиқлар устига тахлаб қўядиган (*жийма*) тўшакларини, шунингдек *тузхалта*, *чойхалта* ва бошқа кўплаб маиший буюмларини айнан кигиздан тайёрлашган. *Кийиз* буюмларида *жулдуз*, *кўз*, *қўчқормуйиз* (қўчқоршоҳ), *қўшмуйиз*, *жиланизи* (илон изи) каби безаклар кўпроқ учрайди.

Балқарларнинг турмуш тарзида турфа таомлар алоҳида ўрин тутди. Сутли ва гўшти, ундан таёрла-

³ Гебраизм — қадимги яҳудий тилидан ўзлашган сўзлар.



Балқарлар. XIX аср.

Балқар тили туркий тилнинг қипчоқ лаҳжасига мансуб. Шу сабаб уларни ҳамма балқар атаса-да, ўзлари ўзларини малқар дейди.

надиган таомлар, жумладан *бовурсақ*, *манти*, *пишлоқ*, *қаймоқ*, *айран*, *жўгурт* (йогурт), *бўза*, *жалбаур* (думбали жигар кабоб), *дўлма*, қовурилган ва димланган гўшт уларнинг энг севимли таомларидан. Балқарлар қаймоқ сўзини *сутбаши* деб бир бошқача ишлатишади. Бу сўз ўзбек тилида учрамаса-да, мазмунан қаймоққа нисбатан аниқроқ экани, соф туркий сўзлиги учун ҳам қизиқарли туюлади ва эътиборни тортади.

Қорачой-балқарлар.



Балқар тили

Юқорида келтирганимиздек, балқар тили туркий тилнинг қипчоқ лаҳжасига мансуб. Мен бу тилни кўплаб жиҳатларига кўра ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига ўхшатаман. Нега?

Балқар тилида сўз ясашиши ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига жуда ўхшаш. «Мен қаердан биламан? Билмайман!» маъносидаги сўзларнинг балқарча шаклларига эътибор беринг: *қайдам, ким биледи, ким билсин*. Бу сўз доимий истилоҳдаги ўзбек сўзларига ўхшайди.

Илмий манбаларда уларнинг тили қорачой-балқар тили деб берилса-да, асли уларнинг тили балқар тили. Қорачойларнинг тили билан ўхшашлиги ёки ягона алфавитга эга эканлиги уларни битта тилга бирлаштириш учун асос бўлмайди. Инчунин, тил миллатни идентификациялашнинг асосий шартларидан биридир.

Қорачой ва балқар тиллари учун 1920-йилларга қадар араб алифбоси қўлланган. Араб алифбосидаги илк ёзувлар XVII-XVIII асрнинг бошларига тегишли. Унгача бўлган ёзма ёдгорлик Қуманлар қомуси бўлиб, балқар тили ҳам лексик, ҳам фонетик хусусиятларига кўра қуман тилига яқиндир.



Балқар тилининг алоҳида хусусияти умумтуркий б товуши ўрнига м товушининг қўлланишида кўзга ташланади: балқар – малқар, бийиз (бигиз) – мийиз, бийик – мийик, бақирмоқ – мақирмак, бурун – мурун, бақа – мақа ва ҳоказо. Бу хусусият қорачой шеваларида учрамайди.

1924 йилда икки халқ — қорачой ва балқарлар учун ягона бўлган лотин алфавити ишлаб чиқилди. 1937 йилга келиб кирилл графикасига асосланган янги алифбо қабул қилинган.

Балқар тилининг алоҳида хусусияти умумтуркий б товуши ўрнига м товушининг қўлланишида кўзга ташланади: *балқар – малқар, бийиз (бигиз) – мийиз, бийик – мийик, бақирмоқ – мақирмак, бурун – мурун, бақа – мақа* ва ҳоказо. Бу хусусият қорачой шеваларида учрамайди.

Айни жиҳатларни таҳлил қилиш учун умумий қорачой-балқар шеваларига эътибор қаратамиз.

Қорачой-балқар тиллари ч ва ж товушларининг талаффузига кўра бир нечта шевага бўлинади.

Бунда с ва ш ўрнига қипчоқ шеваларига хос тарзда ч ишлатилиши алоҳида ажралиб туради. *Сач* (ўғуз, қарлуқ) сўзи қипчоқ-нўғай гуруҳида *шаш*, балқар тилида эса ўзбек тили қипчоқ лаҳжасидаги каби *чач* шаклида талаффуз қилинади. Аммо айрим балқар шеваларида (Черек водийси) чачнинг *цац* шаклида талаффуз қилиниши ҳам маълум.

Й ўрнига ж ишлатилиши қорачой-балқар шеваларининг барчасида бор. Балқар тилининг қизиқ жиҳати шуки, тил сўзлигида айнан й товуши билан бошланадиган биронта сўз йўқ. Аммо бу ҳамма й товушлари ўрнига ж ишлатилишини билдирмайди. Айрим ҳарфлар ўрнига чўзиқ *йа* (я) ёки *йу* (ю) ҳарф бирикмаси қўлланади: *юс* (юза), *яниқ*.

Айрим ҳолатларда у ўрнига ҳам ж қўлланилиши кузатилади: *уйқу – жуқу, жуқучи – уйқучи*.

Балқар тилининг ўзбек тили қипчоқ лаҳжасидан яна бир фарқи – у ҳарфининг ўрнига ю қўлланишида кўринади: *юй* (уй), *юзюк* (узук), *юлгю* (улгу, намуна, андоза маъносиди), *юлюш* (улуш), *юч* (уч), *юргенмек* (ўрганмоқ, қипч. урганмоқ).

Балқар тилида ўзбек тилидаги ў товуши ўрнига ё ишлатилади: *ёгей – ўгай, ёз – ўз, ёзек – ўзак, ёкюнюс – ўкиниш, ёлет – ўлат, ёлюм – ўлим, ёпке – ўпка* ва ҳ.

Ё айрим ҳолларда ҳ ўрнида ҳам қўлланади: *ёкюз – ҳўкиз, ёки в (w) ўрнида ҳам ишлатилади: ёзер – вазир*.


Балқар тилида бошқа туркий тилда учрамайдиган ўзак сўзлар ҳам учрайди. Улардан бири *иги*. *Иги* яхши маъносиди қўлланади: *иги адам – яхши одам, игилендирар – яхшилаш, игилендиру – такомиллаштириш, игилик – яхшилик* ва ҳ. Бу ўзак туркий тиллардаги *ийи* (яхши) сўзининг бузилган шакли бўлиши ҳам мумкин.

Балқар тилидаги *ий* ўзагидан ясалувчи сўзлар ўзбек тили қипчоқ лаҳжаси билан бир хил талаффуз қилинади: *ийна – игна, ийдиру – кўндирмоқ, иймоқ – эгмоқ, ийилу – энкаймоқ, ийилту – энгаштирмоқ, ийиру (урчуқ била ийиру) – йигирув (урчуқ билан йигирув), ийарту – эргаштирмоқ, ийин – елка, ийак – ияк (энгак), ийлау – ошлаш (терини)*.

Қорачой-балқар алфавити яратилишининг ачинарли томони шундаки, бу алфавит яратилгандан кейин қорачойлар ва балқарлар ягона адабий тил атрофида бирлашган бўлса-да, уларнинг тили бошқа туркийлар



Қабардин-балқар республикаси харитаси.



Балқарнинг маросим ниқоби. XX аср аввали.

учун анча бегоналашиб қолди. Бу айнан юқорида келтирганимиз ў товушининг ё, у товушининг ю шаклида ёзилишида яққол кўринади. Бу сўзлар янги алфавит яратилгунга қадар қиримлар ёки қўмиқлар тили билан бир хил талаффуз қилинган. Катта эҳтимол билан бу ҳолат шеваларда 1990-йилларгача сақланган. Чунки мен 1990 йилда балқар (жилисувлик) дўстларим билан гаплашиб ўтирганимда у товушининг «йу»га ўзгарганини сезмаганман. Аксинча, балқарларнинг тили қиримларникидан кўра ўзбек тили қипчоқ лаҳжасига яқинроқ туюлган.

Балқарларнинг ўзларини *тавли* ёки *таври* деб аташи-ю бошқалар томонидан балқар аталишининг ҳам сабаби бор. Бир замонлар туркий тилнинг тўрт ўзанидан бири бўлган булғор гуруҳи айнан балқар тилига ўхшаш бўлган. Ҳозирги кунда бу тил гуруҳига мансуб тиллардан фақат чуваш тили сақланиб қолган бўлса-да, унинг луғат таркиби катта ўзгаришларга учраган. Бугунги чуваш тили лексикасида ротацизм⁴ ва зетацизмлар⁵ кўп учрайди. Мисол учун туркий тиллардаги *кез/ғез* сўзи чуваш тилида *кер*, қиз *хер* шаклида ишлатилади. Бундан кўринадики, чуваш тилининг шаклланиши ўртабулғор даврида Олтин ўрданинг булғор улуси атрофида шаклланган. Балқар тилида ҳам қадимги булғор тили билан ўхшашликлар кўзга ташланади. Қадимги булғор тилидан сақланган қуйидаги тўртликда уларнинг ўхшашлиги аниқ кўринади:

⁴ Ротацизм (юнонча ρ, «ро») – туркий тилларда бирон товушининг титровчи ρ шаклида талаффуз қилиниши.

⁵ Зетацизм (юнонча ζῆτα – «зета») – туркий тилларда бирон товушининг з [z] шаклида талаффуз қилиниши.

Балқарларнинг ўзлари билан сўзлашганда, қўшиқларини тинглаганда ёки шеърлари, мақолларини эшитганда таржимон мутлақо керак бўлмайди.

Итиль суы ақа туыр,
Қыя тоби қақа туур,
Балык телім **бақа** торыр,
Кулинен тақи кушарыр.

Итиль суу аға туур,
Қая тѐбе қаға туур,
Балық телю **мақа** туур,
Кѐллени такыр куршалар.

Идил суви оқиб турар,
Қоялар тубини қоқиб турар,
Балиқ ва бақалар тўлиб кезар,
Кўл қирғоғи уларга тўла.

Балқар тилида сўз умумтуркий қолипда ўзақ бузилмасдан ясалади. Аффиксларнинг кўшилиши эса қипчоқ тилларига хос. Аммо сўз ясалишида баъзан ноанъанавий ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, Насриддин Хўжа балқарларда ҳам энг машҳур образ. Шунинг учун бўлса керак, аслида сўфий шайхларининг нисбаси ёки «эга» маъносида ишлатиладиган «хўжа» сўзи қизиқчи, ҳазилкаш, масхарабоз маъноларида қўлланади. Шунга кўра хўжа ўзақли бошқа сўзларнинг ҳам маъноси бузилган: *хўжалайдиру* – ҳазиллашиш, *хўжаланма* – ҳазиллашма. Айни сўзнинг маъносини бузиб ишлатиш усмонли туркчасида ҳам учрайди. Аммо унда хўжа – ўқитувчи маъносида ишлатилади. Чунки дарс бериш ва динга ўргатиш хўжаларнинг сифатларидан бири бўлган. Шу сабаб буни тушунса бўлади.

Умуман олганда, балқар тили ўзбек тили қипчоқ шеваларига жуда ўхшаш. Фақат ёзма ман-

балар орқали тилни ўрганиш бирмунча қийин кечади. Негаки, кирилл алифбосида товушлар талаффуздаги аниқлигини йўқотган. Балқарларнинг ўзлари билан сўзлашганда, кўшиқларини тинглаганда ёки шеърлари, мақолларини эшитганда таржимон мутлақо керак бўлмайди.

Балқар тили гўзал бир тил. Адабиёти унданда гўзал. Бунга шу элнинг буюк шоири Қайсин Қулиевнинг шеърларини ўқисангиз, амин бўласиз:

Қурол билан
урушга
кираётган
қипчоқлар.



Сууук кылыч тийгенди башынга,
Иеринг сенсиз калганды.
Атынг қарындашы ёлген эгеч
Кирик, бетинге қарайды.

Кетмейд, ташламайд, сүйген тенгингча
Санга қайытад, табады.
Кюн кюйдюрген сууған бетинге
Жылы шытысы тамады.

Таржимаси:

Совуқ қилыч текканда бошингга,
Эгаринг сенсиз қолганда.
Отинг укаси үлган опа (эгачи) каби
Бетинга қарайди.

Кетмайди, ташламайди, севган дүстингдек
Сенга қайтади, топади.
Кун куйдирган совуқ бетинга
Илиқ күз ёшлари томади.

Нарт сўз

Балқарлар мақолларни бошқа туркийлардан
ўзгача «нарт сўз» деб аташади. Нарт балқарчада
баҳодир, қадимги маъноларида ишлатилади:

«Нарт сёз тилге жан салыр» (Мақоллар тилга
жон киритади),

«Нарт сўз тилнинг тамири» (Мақоллар тилнинг
томири).

Балқарларнинг миллий хусусиятлари ва ўзлиги
уларнинг мақолларида яхшироқ кўринади:

«Сюрюучю кеб болса, қой харам ёлюр» («Чўпон
кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар»; бу ерда «чўпон» сурув
сўзидан сурувчи шаклида келаяпти. Биз «бир сурув
қўй» деймиз-ку).

«Ийнек сауа билмегенге арбаз қынгыр кёрю-
нюр» («Сигирни соғишни билмаганга ҳовли қийшиқ
кўринар»).

«Иши болмақан итлени сууға элтир» («Иши йўқ
итини суғорар»).

«Иги малчыны тёрт кёзю болур» («Яхши подачи-
нинг тўрт кўзи бўлади»).

«Осал малчы кюн тийгинчи уянмаз, уянса-да қобуб
малын жаялмаз» (Ёмон (ўсал) подачи кун чиққанча
уйғонмас, уйғонса-да туриб молини ёйолмас»).

«Айюден қачсанг, кёндеден қач» («Айикдан
қочсанг, кўндаланг қоч»).

«Джатхан бёрю тоқ болмаз» («Ётган бўри тўқ
бўлмас»).

«Иги жылқычыны минген аты бек чабар» (Яхши
йилқичининг минган оти тез чопар»).

«Жыланни бассанг, башындан бас» («Илонни
боссанг бошидан бос»).

Бу мақолларни ўқисангиз, турмуш тарзи чорва
билан боғланган бир элнинг бутун кечмишини,
ташвишларини илғагандай бўласиз. Шунинг билан
бирга улар сизга ҳам танишдай туюлади. «Э, бу
мақол бизда ҳам бор-ку» дейсиз беихтиёр. Чунки бу
мақоллар ҳам, балқарлар ҳам бизга бегона эмас. Биз
бир отанинг боласимиз.

Шундай бўлса-да балқарларнинг мақолларида
бизга таниш бўлмаганлари ҳам учрайди:

«Қарға қъангқылдаб қаз болмаз, амма сынғыл-
даб қыз болмаз» («Қарға қанқиллаб ғоз бўлмас, қари
синини безаб қиз бўлмас»).

Элтубю қишлоғи.

«Джатхан бёрю тоқ болмаз» («Ётган
бўри тўқ бўлмас»).

«Иги жылқычыны минген аты бек
чабар» (Яхши йилқичининг минган оти тез
чопар»).

«Бёдене суугъа кирмейди, чабакъ суудан чыкъ-майды» («Бедана сувга кирмайди, чавоқ (балик) сувдан чиқмайди»).

«Тюлкю юрсе, итни къарны аурур» («Тулки хурса итнинг қорни оғрир»).

«Ат аяған бет табмаз» («Отини аяган машхур бўл-мас»).

«Эшек гылыуун бек сюер» («Эшак хўтигини кўп суяр»).

Ўзбек тилида «Ҳар кимнинг боласи ўзига ой кўри-нар» деган мақол бор. Шу мақолнинг ҳам балқар тилидаги маънодошлари учрайди: «Айюню баласы айюге ай кёрюнюр» («Айиқнинг боласи айиққа ой кўринар»).

Хулоса ўрнида

Кавказда, Қабардин-Балқар Республикасида Улутов деган тоғ бор. Тоғнинг этакларидаги ясситоғларни ерли халқ адир дейди. Тоғдан тушадиган кенг сайхонликни Адирсай, дарани Адирсу деб аташади. Адирсуда Жайлиқ деган алпинистлар лагери бор. Улутовнинг энг тепасига биринчи бор 1903 йилда инглиз алпинисти Том Жорж Лонгстафф чиқа олган. Лонгстафф Улутовни жуда машаққат билан забт этади. У ҳали ҳеч кимнинг қадами етмаган ерларни забт этаяпман деган ўй билан Адирсув дараси бўйлаб кўтарилиб борар экан, тоғнинг тепаларида бемалол кўй боқиб юрган балқарларни кўради. Уни чорлаётган тоғларнинг ҳайбати бу тоғларга аллақачон чиқиб улгурган ва шу ерни ватан тутган одамларга бўлган ҳайрати олдида ҳеч нарса эмас эди.

Кейинчалик ҳам бу юртга алпинистлар кўп келишган. Собиқ шўро даврида Жайлиқда алпинистларнинг энг йирик лагери барпо этилган. Алпинистлар Улутовни ҳар томондан чиқиб забт этишган. Аммо балқарларни кўриб, доим ҳайратга тушишган.

Балқарлар шундай, ҳаммани ҳайратга соладиган эл. Балқарлар — бизнинг чинакам қардошларимиз, бовурларимиз. Буни уларнинг юзига қараб ҳам, сўзини тинглаб ҳам ҳис қиласиз. Бир марта бўлса ҳам бағрингизга босгингиз, «оғамсан, инимсан» деб айтгингиз келади.

Негадир менинг ўша ерларга боргим келади. Нега? Билмайман!

Балки яна Қайсин Қулиев жавоб берар:



**Тошлар менинг отимни айтгандай
Овоз келади менга узоқдан.
– О, қайдасан? Кел! – деб чақиргандай
Ун эшитилади мангу тоғлардан...**

Қорачой-балқар халқларининг миллий либослари.



*Ташла мени атымы айтхандай,
Ауаз келеди манга узақдан.
– О, қайдаса? Кел! – деп қычыргандай
Ён эшитиледи мангу тауладан...*

Таржимаси:

*Тошлар менинг отимни айтгандай
Овоз келади менга узоқдан.
– О, қайдасан? Кел! – деб чақиргандай
Ун эшитилади мангу тоғлардан...*